

Оппоқ Хўжа мақбараси - уйғур халқининг ажойиб обидаси



12:12 / 07.11.2018 3887

Оппоқ Хўжа мақбараси Қошғар (Хитой)даги ислом меъморчилигининг энг ёрқин намунаси ҳисобланади. Ўзининг услуби ва ташқи безаклари бўйича ушбу минтақада унга тенг келадигани йўқ, деб ҳисоблайди atlasobscura.com портали таҳририяти.



Мақбарада уйғур халқи тарихидаги муҳим сиёсий ва диний арбоб Оппоқ Хўжа (1626-1684)нинг мероси сақланади.

Оппоқ Хўжа диний ва сиёсий мавқеи юқори бўлган оилада туғилди. Хўжа таниқли нақшбандия тариқати сўфийси Аҳмад Қозонийнинг эвараси бўлган. У Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг авлодларидан ҳисобланган.



1640 йилга яқин Оппоқ Хўжанинг отаси – Муҳаммад Юсуф учун мақбара қурилган эди. Муҳаммад Юсуф ҳам, худди унинг ўғли сингари, уйғур халқи тарихида буюк шахс бўлган. Кейинчалик мақбарада ушбу наслнинг беш авлоди, шу жумладан Оппоқ Хўжанинг ўзи ҳам дафн этилган.

Мақбара марказда жойлашган ва баландлиги 17 метрга етадиган улкан куббага ҳам эга. У чизиқлар ва гулли араб нақшлари бўлган тўртта бурчак миноралари билан ўралган. Минораларнинг ҳар бир деразаси турли хил геометрик расмларга эга, минораларнинг ўзини эса тўнқариб қўйилган нилуфар гулига монанд минорачалар тождек безаб турибди. Мақбаранинг кириш қисми чиройли қилиб безатилган, ташқи қисми эса Марказий Осиёга хос бўлган гумбаз шаклидаги айвонга эга.



Мақбаранинг ичида мустаҳкам ёғоч тўсинлар, муқарнаслар билан безатилган тўртта намоз ўқийдиган зал мавжуд. Шунингдек, у ерда ҳанузгача маҳаллий уйғурлар томонидан фойдаланиб келинадиган қабристон ва маъруза зали жойлашган. Мақбара ҳовлисида унчалик катта бўлмаган сув ҳавзаси бўлиб, ундан мусулмонлар таҳорат қилишда фойдаланишади.

Islom.uz портали таҳририяти